

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 16-yanvar, chorshanba № 4 (15642)

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Соғлом ёшлар — мамлакат таянчи

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг шакллантирилгани миллий армиямиз сафларини ҳар жиҳатдан соғлом ёшлар билан тўлдириб боришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тиббий муассаса — Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери 1996 йилда ташкил этилган. Утган вақт мобайнида мазкур шифо масканида ўсмирлар хасталикларини барвақт аниқлаш ва даволаш бўйича катта тажриба тўпланди. Ушбу йўналишдаги ютуқ ва натижалар асосида барча вилоятда ана шундай масканлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу диспансерлар мамлакатимиздаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида ва жойлардаги тиббий чақирув комиссияларида ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, аниқланган касалликларни даволаш, ёшларни ҳарбий хизматга ва оилавий ҳаётга тайёрлаш бора-сида изчил иш олиб бормоқда.

— Бирламчи тиббий кўриқда ошқозонимда хасталик аниқланган эди, — дейди Миробод туманида яшовчи Сардорбек Мелиев. — Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерида даволандим. Такрорий текширувда соғлигим тиклангани аниқланди. Яқин кунларда бошланадиган саралаш жараёнидан муваффақиятли ўтиб, ҳарбий хизматга бориш кўплаб тенгдошларим каби менинг ҳам асосий мақсадимдир.

Шу кунларда Сардорбек сингари минглаб ёшлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бошланган навбатдаги чақирув жараёнига қизгин тайёрланмоқда.

Жойлардаги тиббий чақирув комиссиялари ҳам ушбу тадбирни юқори савияда ташкил этиш, армиямиз сафларига энг муносиб, соғлом, баркамол ёшларни танлаб олишга ҳозирлик кўрди.

— Ёшларни ҳарбий хизматга саралаш жараёни ниҳоятда масъулиятли вазифа, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш маркази директори Иброҳим Ўринбоев. — Зеро,

тиббий кўриқка келаётган ҳар бир йигит саралашдан муваффақиятли ўтиб, Ватан хизмати-га камарбаста бўлишга ошиқади. Шу боис бу жараёнда белгиланган тамойилларга қатъий риоя этиш, тиббий кўриқни бе-хато ва ҳаққоний ўтказиш ғоят муҳимдир.

Ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган тиббий чақирув комиссияларининг барчаси замон талабларига мос тиббий воситалар, ташхис аппаратлари ва компьютерлар билан таъминланган. Бу соҳада саккиз мутахассислик бўйича 1700 нафарга яқин малакали шифокор фаолият юритмоқда.

Айни пайтда жойлардаги тиббий комиссияларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, санитария-гигиена шароитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Чақирув комиссиялари бинолари замон талаблари асосида таъмирланмоқда. 2012 йилда Тошкент шаҳар чақирув комиссиясининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Ёшларимизнинг жисмоний кўрсаткичлари жуда юқори, — дейди Тошкент шаҳар доимий тиббий комиссияси катта шифокори Мавжуда Абдуллаева. — Уларнинг бўйи ва вазни белгиланган тамойилларга тўла жавоб беради. Фарзандларимизнинг иродаси бақувват, тафаккури теран, фикрлаш доираси кенг.

Ушбу комиссияда бир кунда юз нафар чақирилувчини тиббий кўриқдан ўтказиш имконияти бор. Кўз, ошқозон-ичак, юрак ва бошқа аъзолардаги барча ўзгаришларни мукамал текшириш мақсадида шу ернинг ўзида диагностика хоналари очилди ва замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланди. Бу имконият хасталикларни барвақт аниқлаб, ўз вақтида даволаш имконини бераётир.

Кўрилаётган бундай изчил чора-тадбирлар миллий армиямиз сафларини соғлом, бақувват, мустаҳкам иродали ва юксак маънавиятли ёшлар билан тўлдириш, Ватанимизнинг му-дофаа қобилиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

BARKAMOL AVLOD



Сардор Муллажонов фотоколлажи

Кун янгилиги

1

Тошкентдаги Тасвирий санъат галереясида турли авлод вакиллари, турли жанрларда фаолият олиб бораётган таниқли рассомлар ва ёш мусаввирларнинг юздан ортиқ ишларидан ташкил топган «Турфа олам» кўргазмаси очилди.

2

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида теннис бўйича давом этаётган «Катта дубулга» туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт турнирдан дастлабкиси — Австралия очик чемпионати беллашувларида иштирок этаётган ҳамюртларимиз — Денис Истомин ва Окгул Омонмуродова турнирни ғалаба билан бошлади.

3

Олтиариқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида «Соғлом аёл маркази» иш бошланди. Бу ерда хотин-қизларнинг маиший хизмат шохобчаларидан фойдаланиши, спорт машғулоти билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун қулайликлар яратилган.

Hududlardan mujdalar

САМАРҚАНД

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» кўриктанловини ўтказди.

Танловда зукко ҳарбийлардан ташкил топган жамоалар саломлашув, топқирлик баҳси, ҳарбий ҳаётдан лавҳа ва эркин мавзу шартлари бўйича беллашди.

Ғолиблар ва фаол иштирок этган ёш ҳарбийлар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

* * *

Ургут туманидаги 54-мактабда Ҳаракатнинг туман кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда етакчиларнинг билим ва тажрибаларини ошириш учун турли мавзуларда машғулотлар олиб борилди. Иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан керакли тушунчалар берилди.

АНДИЖОН

Вилоятда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда туман ва шаҳарларда энг намунали деб топилган милиция таянч пунктлари турли шартлар бўйича беллашди.

Танлов давомида профилактика инспекторлари ташаббуси ва кўмаги билан маҳаллаларда ташкил этилган кичик бизнес субъектлари ҳамда хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Қизғин ўтган танлов сўнигида Хўжабод туманидаги 236-милиция таянч пункти ғолиб бўлди. Шунингдек, танловда турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Ҳамиша парвоздамиз!

Эътибор берганмисиз, қайси муассасада шижоатли, ғайратли ёшлар кўп бўлса, ўша жойда иш қизғин, қувноқ кайфиятда ўтади. «Термиз аэропорти» давлат унитар корхонасида ҳам биз таърифни келтирган, меҳнату ташаббусдан чарчамайдиган, қалби ёниқ ёш ходимлар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг аҳил-иноқлиги, бир ёқадан бош чиқариб, тўғри фикр юритиши яхлит бир жамоага айланиши учун туртки бўлган бўлса, ажабмас.

«Термиз аэропорти» ДУКда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти тузилганда ёшларнинг кўнглидан нималар ўтганини таърифлаш мушкул. Негаки, уларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, бўш вақтларига мазмун бахш этиш, маънавий-маърифий оламини бойитиш учун ёш авиаходимларда шундай ташкилотга руҳий-маънавий эҳтиёж бор эди. Бугунги кунда бир юз беш нафар аъзо си бўлган бошланғич ташкилот ўтган йиллар мобайнида янги шиддат, барқарор парвоз билан кўплаб марраларни босиб ўтди. Демак, улар доимий ҳаракатда, бошланғич ташкилот аъзолари ўз вазифасини сидқидилдан бажаряпти, дейишга асос бор.

Ўтган вақт оралиғида бир неча фаол ёшлар ташкилотга етакчи этиб сайланган. Аини пайтда эса бошланғич ташкилотга тенгдошимиз Фарҳод Норғучов етакчилик қиялпти. У бошланғич ташкилот етакчилиги билан бирга аэропорт ташувларни ташиш хизмати марказлаштириш нозими вазифасида ҳам меҳнат қилади. Ундан: «Ҳам хизмат вазифангизни бажариш, ҳам етакчилик қилиш бироз қийинмасми?», деб сўраймиз. «Тўғри, аввалига бироз қийиндек туюлганди, бироқ вақт ўтиши билан ҳаммаси изга тушди. Ҳозир ўзимни бошланғич ташкилотдан айро тасаввур этишим қийин, — дейди Фарҳод Норғучов. — Негаки, ташкилотимиз кенгаши аъзолари билан турли қизиқарли тадбирлар, лойиҳалар ўтказамиз. Янги ташаббуслар билан чиқамиз. Бунинг ҳаммаси қизиқарли ва мароқли. Боз устига корхонамиз раҳба-

рияти ташаббусимизни доимо қувватлайди. Тадбир, лойиҳаларимизни амалга оширишимиз учун барча имкониятларни муҳайё қилади».

Ўтган йили бошланғич ташкилот учун муваффақиятлар изма-из келди. Юртимиз мус-

маданият йўналишидаги илғор тажриба муаллифи» номинацияси ғолиблигига муносиб топилди.

— «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган республика форумидаги иштироким менинг бошланғич ташкилот фаолиятига муносабатимни янги босқичга кўтаргани рост, — дейди аэродром хизмати муҳандиси, БТ етакчиси ўринбосари Файзулла Туронов. — Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган илғор, ташаббускор, фаол етакчи тенгдошларим билан мулоқот қилиш,

билан бошлашди. Бу ҳақда БТ етакчиси Фарҳод Норғучов бизга қуйидагиларни айтди:

— Бундан бир неча йил олдин кенгашимиз қошида «Ёшлар фонди»ни ташкил қилганмиз. Обод турмуш йилида ушбу фонд ҳисобидан янги турмуш қурган ҳар бир ходимимизга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида моддий ёрдам ажратишни, меҳнат жамоамиздаги ёш оилаларнинг имтиёзли ипотека кредити олишига кўмаклашишни мақсад қилганмиз. Бундан ташқари, бошланғич ташкилотимиз



тақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Тақдиримсан, бахтимсан, озод ва обод Ватан!» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда Фарҳод Норғучов «Йилнинг энг фаол етакчиси» номинацияси ғолиби бўлди. Республикамиз миқёсида ёш авиаходимлар ўртасида ўтказилган кўриктанловда ҳам тенгдошимиз биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ўтган йилнинг 5-8 ноябрь кунлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида бўлиб ўтган республика форумида аэропорт бошланғич ташкилоти фаолияти эътироф этилди ва етакчи ўринбосари Файзулла Туронов «Маънавият ва

тажриба алмашиш завқини ҳеч нарсага алмашиб бўлмайди. Ўшанда уларнинг иш тажрибаси, ёшларни бирлаштиришдаги ғоялари билан танишарканман, биз ҳам ўз бошланғич ташкилотимизда шундай лойиҳаларни амалга оширсак бўларкан, деган фикр хаёлимдан кўп ўтди.

Бошланғич ташкилотда ҳар ҳафтанинг душанба куни кенгаши аъзолари йиғилиб, юртимиз ва жаҳонда юз бераётган янгиликлар, шунингдек, соҳаларига доир янги маълумотлар бўйича суҳбатлашилади. Ҳар ойда икки марта бошланғич ташкилот фаолияти сарҳисоб қилиниб, келгуси ишлар режаси тузилади.

Мустаҳкам оила йилини муваффақиятлар билан яқунлаган бошланғич ташкилот аъзолари Обод турмуш йилини янги ғоялар, ташаббуслар

аъзолари бунёд этган «Ёшлар боғи»ни янада кенгайтириш, унга ёндош қаровсиз ҳудудларни ободонлаштириш, ходимларимизнинг маънавий ҳордиқ маскани — корхонамиздаги «Камолот» кутубхонасини янги китоблар, соҳага оид қўлланмалар билан бойитиш ҳам бу йилги режамиздан ўрин олган.

Айтилган гаплар Ҳаракатнинг аэропортдаги бошланғич ташкилоти кенгаши аъзолари амалга оширган ишлардан бир шингил. Зеро, улар бундан-да кўпроқ ишнинг уддасидан чиқишади. Чунки улар шунга интилишяпти ва бошқа тенгдошларини ҳам ҳамжиҳатликка чақиритишяпти. Демак, муваффақиятлар ҳали олдинда.

**Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Ёш фермерлар анжумани

Жиззах вилоятида «Ёшлар тадбиркорлиги — Ватан тараққиётига» шиори остида ёш фермерлар форуми бўлиб ўтди.

Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган мазкур тадбир вилоят фермерлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, банк ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги кўргазма намойиши билан бошланди. Тадбир доирасида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, фермерлар кенгаши, банк муассасалари раҳбар ва мутахассислари, тажрибали фермерлар билан ёшларнинг мулоқотлари бўлиб ўтди.

Анжуманда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, фермерликнинг ҳуқуқий асослари, банк кредитларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ёшларга атрофлича тушунтириш берилди. Вилоятнинг Бахмал, Янгиобод, Фаллаорол, Зомин ва Фориш туманларида интенсив боғ яратишга киришган 70 нафардан зиёд ёш фермерларга банкнинг имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Биз, ёшларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, фермер хўжалиги ташкил этдим, — дейди 2012 йилда Фаллаорол туманидаги ижтимоий-иқтисодий коллежини битирган Зулфизар Раҳимова.

— Ҳозир «Халқ банки» туман бўлимидан олинган 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига хўжалигимизда интенсив боғ ташкил этишга киришдик. Бу ишнинг самаралари ҳақида боғдорчилик-узумчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази вилоят филиали мутахассислари, тажрибали фермерлар ва банк ходимлари берган маслаҳатлар жуда фойдали бўлди. Келгусида фермер хўжалигимизни янада кенгайтириб, унинг негизда етиштирган маҳсулотларимизни қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз.

Форумда Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов иштирок этди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири**

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва обод турмушимизнинг мустақкам пойдевори» лойиҳаси доирасида Шимоли-ғарбий ҳарбий округда маънавий тадбир ўтказди.

Тадбир давомида маънавият тарғиботчилари гуруҳи томонидан «Ёшлар ва ҳуқуқ», «Ёшлар ва соғлом турмуш тарзи», «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Диний экстремизм ва миссионерликка қаршимиз» мавзуларида семинар ташкил этилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалининг талабалари томонидан ташкиллаштирилган маданий дастур ҳарбийларга байрам қувончини бағишлади.

СИРДАРЁ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Боёвут тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги 41-мактабда бокс мусобақаси ташкил этилди. Унда ҳаваскор боксчи ёшлар 19, 21, 24, 27, 29, 32, 35, 45, 50, 60 килограмм вазн тоифаларида рингга чиқишди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Харакатнинг Боёвут тумани кенгаши бош мутахассиси З. Маҳматқулов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни Ватан ҳимоячилари қуни билан табриклади. Ва мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда спорт бўйича эришаётган зафарли одимларимиз ҳақида тўхталиб ўтди.

Сўнгра спортчилар ўз вазни бўйича рингга кўтарилди. Уч босқичда ўтган мусобақа шиддатли ва муросасиз курашларга бой бўлди.

Ҳар бир вазн бўйича ғолибликни қўлга киритган спортчилар «Камолот» ЁИХ, маҳалла фаоллари ва ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Vatan himoyachilari huzurida

Мароқли учрашув ва дилдан суҳбат

«Ўзбеккино» миллий агентлиги ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондонлиги ташаббуси билан Қарши гарнизони офицерлар уйида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда сценарийнавис-ижодкор ва бош режиссёр Ҳилол Насимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Мирза Азизов ҳамда Лола Элтоева иштирок этди.

Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбир аввалида «Тубанлик» фильми намойиш этилди. «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига асосан суратга олинган фильм премьерасига аскарлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташриф буюришди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Тубанлик» фильмида бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган баъзи юртдошларимизнинг қабих ишлари, ота-оналарининг қистови остида эрта турмушга узатилган ёш қизларнинг аянчли тақдири маҳорат билан ёритилган.

Эътиборли жиҳати шуки, кино намойиши чоғида аскарлар ўз эмоцияларини яшириб ўтиришмади. Айниқса, кадрда Турғунбек хожининг ўн беш ёшли қизга «огиз солиши», никоҳ ўқилиши, Дилрознинг руҳий ва жисмоний азобланиши сюжетлари намойиш этилганда баралла айтилган қаҳрли сўзлар фильмининг қанчалик ҳаётийлиги, режиссёр ва актёрлар ансамбли маҳоратининг исботи бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Тадбир сўнгида фильм ижодкорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар «Тубанлик» фильмининг яратилиш тарихи, унда кўтарилган муаммолар, бугунги ўзбек киноти олдидан турган муҳим вазифалар юзасидан берилган саволларга жавоб олишди.

— Фильм сценарийси реал воқеалар асосида ёзилган, — дейди Ҳилол Насимов аскарлар берган саволларга жавоб бераркан. — Ҳуқуқтартибот идораларидан олинган материалларга таяниб, бу ишга қўл ургандим. Фильмни айнан воқеа бўлиб ўтган жойга яқин Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида сурат-

га олишга қарор қилдик.

Актёрларни танлаш жараёни анча қийин кечди. Айниқса, ёш умри хазон бўлган Дилроз ва шунақа аташ мумкин бўлса, тубанлик ботқоғига ботган Турғунбек ҳожи роллари учун эълон қилинган кастинг ҳамда актёрлар билан олиб борилган музокаралар жуда катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Фильмдаги асосий салбий образ — Турғунбек ҳожи ролини ижро этган Мирза Азизовнинг таъкидлашича, «Тубанлик» юртимизнинг бир қатор вилоятларида ҳафталаб намойиш этилган. Айниқса, ёш қизларни эрта турмушга бериш ҳолати кўп қайд этилаётган Андижон вилоятида фильм катта қизиқиш билан кутиб олинган. Учрашувлар чоғида биргина «Тубанлик» фильми шу пайтгача ўтказилган бошқа маънавий-маърифий тадбирлардан кўра кўпроқ самара берганлиги алоҳида эътироф этилган.

— Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад жамиятимизда учра турган салбий иллатларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, ёш ҳарбийларимизнинг маънавиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш, давлат маблағи эвазига олинаётган фильмларимизда кўтарилаётган муаммолар юзасидан томошабинларнинг фикрини ўрганишдир, — дейди «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳудудий бўлими бошлиғи Дилшод Каромов.

Фикримизча, ташкилотчилар ўз олдидан кўйган мақсадларига эриша олишди. Бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш ёшлар маънавиятини юксалтиришга, турли салбий иллатларнинг олди олинишига, миллий киноизнинг раванқ топишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ихтиёр УМАРОВ

АКАДЕМИК АБДИМУБДИ СУЛТОНХҲАЕВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Гидрогеология соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абдимубди Нигмонович Султонхўжаев 84 ёшида вафот этди.



А.Султонхўжаев 1929 йили Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институти аспирантурасида ўқишни давом эттирди. 1958 йилда номзодлик, 1970 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз ҳаётини илм-фан ривожига бағишлаган истеъдодли олим қарийб 60 йиллик илмий фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология, Гидромуҳандислик геологияси ва Сейсмология институтларида катта илмий ходим, лаборатория мудири, директор ўринбосари каби лавозимларда самарали меҳнат қилди ва табиий фанлар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг назарий ва амалий тадқиқотлари, гидрогеология ва сейсмология фанлари соҳасидаги ўнлаб мақола ва рисоалари кенг илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 30 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

А.Султонхўжаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси фан арбоби фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Абдимубди Султонхўжаевнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,
Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти Данғара тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази тикувчилик ва компьютер саводхонлиги йўналишлари бўйича фаолият олиб боради.

Туман марказида жойлашган мазкур марказ ўз фаолият самарадорлигини ошириш йўлида доимий изланишда. Жумладан, тикувчилик йўналиши уч ойлик курсда фаолият олиб борарди. Курснинг биринчи босқичида оддий бичимлилар, иккинчи босқичда тикиш ишлари ва сўнги босқичда моделлаштириш ишлари ўзлаштирилди. Эндиликда унинг фаолияти олти ойлик тизимга ўтказилляпти. Бунда хоҳловчилар курснинг навбатдаги босқичида элита пардалар тикишни ҳам ўрганишади.

Тикувчилик йўналиши тренери Дурдона Мамажонованинг айтишича, курсга қатновчиларнинг ўзлаштиришига қараб, паст кўрсаткичли ёшлар билан алоҳида қўшимча машғулотлар



ҳам ўтказилади.

— Марказ коллежимиз ёнгинасида жойлашган, — дейди тумандаги саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Назокат Усмонова. — Дарсдан кейин марказга қатнайман. Ўтган икки ой

ичида кийим тикишни деярли ўзлаштириб бўлдим. Насиб қилса, элита парда тикишгача ўрганмоқчиман.

**Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири**

Shunday markaz bor!


Bunyodkorlik

Ҳар гўшаси обод юрт

Тинчлик, тотувлик бўлса, инсонлар қалбига қўшиқлар сиғади. Кўнгилларда бунёдкорликка интилиш пайдо бўлади. Тўйлар қилсам, уйлар солсам, дейди. Беадад шукрки, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Йилдан-йилга эмас, юртимиз ойдан-ойга, кундан-кунга янги қиёфа касб этмоқда.

камаштираётир. Яқинда вилоят марказида ана шундай янги бинолардан бири қурилиб фойдаланишга топширилди.

Вилоят ҳўжалик суди яқинда ҳар томонлама қулай, барча шарт-шароитларга эга, янги ва муҳташам бинога кўчди. Моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Кўркам ва замонавий кўриниш касб этган салобатли иншоотнинг бунёдкорлик ишлари учун бир миллиард тўққиз юз ўн уч минг сўм маблағ сарфланиб, объект Судлар ва адлияни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилди.

Шаҳарларимизда осмонўпар бинолар, муҳташам спорт комплекслари, стадионлар, кўркам билим даргоҳлари, санъат саройлари бунёд этилмоқда. Боғлар барпо қилинмоқда. Бутун мамлакатимизга хос эзгу ишлардан, бунёдкорликлардан Бухоро вилояти аҳли ҳам четда қолаётгани йўқ. Туманларда, шаҳарларда бир-биридан чиройли иншоотлар қурилиб, кўзларни


«Kamolot» ko'zgusi


Қизлар ҳам қолишмайди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти кенгаши, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши, Бухоро шаҳар кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида шаҳардаги Абу Али ибн Сино маданият саройида «Баркамол, соғлом авлод — миллат ғурури» шиори остида ўзбек жанг санъати бўйича очик турнир ўтказилди. Унда мезбон вилоят вакиллари ташқари, қашқадарёлик ва самарқандлик ёш спортчилар ҳам иштирок этди.

Қизғин ўтган мусобақада Шаҳзод Жабборов, Ҳомид Ёдгоров, Жонибек Файзуллаев каби курашчи йигитлар қатори ушбу шарқона миллий жангвар кураш усталари — Мафтуна Тўева, Фарангиз Ҳамидова ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Мусобақада ғолиб чиққан спортчилар билан биргаликда, ғолибликка астойдил интилган спортчилар ҳам муносиб тақдирланди. Уларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири



Hademay mutaxassis bo'lishadi

Устозлар сўзи — сабоқ

Фурқат агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи 1966 йилда фаолият бошлаган. Коллежда айни кунда 1 минг 438 нафар ёш саккиз йўналишда касб ва хунар ўрганади. Отахон ўқув юрти номига муносиб бўлиш, бошқаларга ўрнак бўлиш йўлида коллежда тинимсиз изланиш олиб борилади. Шу мақсадда таълим сифатини ошириш, дарс самарадорлигига эришиш, илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур таълим масканида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг етмиш фоздан ортиғи ёшлар. Шу боис устоз-шогирд аънаналари мукаммал йўлга қўйилган. Жумладан, биология ўқитувчиси Кенжахон Жўраева, рус тили бўйича Зумрадхон Мирзаева, математик Мўминжон Деҳқонов ва иқтисод бўйича Фазилатхон Султенова каби устозлар ёш ўқитувчилар билан ўз билим ва педагогик тажрибаларини ўртоқлашади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

СУРАТДА: тажрибали устоз, биология фани ўқитувчиси Кенжахон Жўраева ўқувчиларга «Хужайра назарияси» мавзусида ДНК моделини тушунтиряпти.


Ta'lim maskanlarida

Яхши анъаналар ва янги технологиялар уйғунлигида

Ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама етук шахслар қилиб камол топтиришда умумтаълим мактабларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ўрни катта. Табиийки, унда устоз педагогларнинг иқтидорли ёшлар билан олиб бораётган ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Бекобод шаҳридаги 2-мактабда бўлганимизда билим даргоҳидаги маънавий-маърифий ишлар бутун кўлами билан таълим сифатини оширишга қаратилаётгани, иқтидорли ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантириб, уларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани гувоҳи бўлдик. Ҳозирда мактабдаги 32 та фан ва спорт тўғрагининг мунтазам фаолияти ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида, турли хил танлов ва мусобақаларда муносиб қатнашиб келяпти. Бадий гимнастика бўйича мактабнинг 2-синф ўқувчиси Мадина Абдумуродова «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида совринли ўринни эгаллаган бўлса, 4-синф ўқувчиси Арина Миниханова маҳорат билан кўшиқ ижро этиб, фестиваль лауреатига айланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мактабда «Ёш мусиқачилар», «Ёш рассомлар», «Драма» тўғрақлари жуда яхши иш олиб боради. «Стартин» ансамблининг фаолияти ҳам диққатга сазовор. Ёшлар ўзларининг тажрибали устозлари кўмагида санъат сирларини пухта эгаллашапти.

Спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам салмоқлидир. Ўтган йили энгил атлетика бўйича Рустам Иномов, бадий гимнастика бўйича Зебо Ҳамидова мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика мусобақасида муносиб иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, мактабда ҳар йили аънаванавий равишда «Дадам, онам ва мен» шиори остида оилавий спорт мусобақалари ўтказиб келинади. Бу эса ўқувчиларда ҳам, ота-оналарда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Худди шунингдек, ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарлар мактабга таклиф



қилиниб, 8-, 9-синф ўқувчилари иштирокида спорт беллашувлари ташкил қилинган.

Вояга етмаганлар, тарбияси оғир ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу борада шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчилари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувликни қарор топтириш мақсадида «Дўстлик» фестивали тез-тез ўтказилиши яхши аънамага айланган. Ўқувчиларнинг касбий лаёқатини, қизиқишини, уларнинг қобилияти,

истак ва хоҳишларини ўрганиш мақсадида касбга йўналтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу борада психолог Феруза Айтхўжаеванинг юқори синф ўқувчилари билан индивидуал тарзда олиб бораётган кенг қамровли ишлари самарали бўляпти.

14 январь — Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилди. Шаҳарда яшаётган уруш фахрийлари, ҳарбий қисмлар аскарлари иштирокида давра суҳбати, учрашув ташкил қилинди. Учрашув жонли мулоқот тарзида ўтди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» муҳбири

Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз туристик имкониятларининг чет эллардаги намойишлари ҳам бундан далолат.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти юксалмоқда

Яқинда Белгиянинг Лювен шаҳрида аънаванавий тарзда ўтказиб келинадиган ярмаркада юртимиз туристик салоҳияти яна бир бор намойиш этилди. «Hobo Reisen» компанияси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро ярмаркада дунёнинг 40 ортиқ давлатларидан туристик компаниялар иштирок этди.

Дарҳақиқат, диёримизнинг кўп асрлик тарихий обидалари, бой тарихи ва бетакрор табиати, қуёшли иқлими, меҳмондўст халқимиз сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Эътироф этиш жоизки, бугун европаликлар юртимизда яшаб ўтган тарихий шахсларнинг дунё цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида яхши билишади. Хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлар сайёҳларни доимо маҳлиё этиб келган.

Яна бир муҳим жиҳат эса, туристик инфратузилма қаердаки тинчлик ва барқарорлик, ободлик бўлса, ўша ерда ривож топади. Сайёҳларни ҳам меҳмондўст ва бағрикенг диёр жалб этади. Белгияда ўтган сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистоннинг иштироки эса, ана шу гўзал манзаранинг яна бир ишончли намойишидир.

Улғубек АСРОРОВ,
«Turkiston-пресс»

BARKAMOL AVLOD

Ҳаммаси жуда оддий бошланган эди...

Bir qadam oldinda

Икки ҳамқишлоғим тикувчиликни ўрганиш учун пойтахтимиздаги донғи кетган ўқув марказига келиб, уч ойлик тикиш-бичиш курсини тамомлади. Бири тикувчилик сирларини яхшигина ўзлаштириб, қишлоқда чевар қиз деган ном таратди. Иккинчиси эса ўқув марказидан олган билимларини амалиётда қўллай олмай, уй юмушларига қўмилиб кетди...

Дарҳақиқат, инсоннинг ўзида қобилият, хоҳиш-истак, интилиш бўлмаса, ён-атрофдагилар қанчалик қўллаб-қувватламасин, фойдаси йўқ. Яқинларингиз сизга йўл-йўриқ кўрсатиши мумкин, холос. Демак, барчаси ўзимизга боғлиқ.

Жиззахлик тенгдошимиз Севара Очилова болагидан ўз қизиқиши, интилиши билан тикувчиликни ўргана бошлади. Мустақиллик тенгдоши бўлган Севарахон шунчаки тикишни эмас, балки турли хил либослар яратишни мақсад қилди. Оилада моҳир тикувчи бўлмасан-да, ўзи истиқомат қилаётган «Маданият» маҳалласидаги Дурдона Курбонова исмли тикувчи аёлга шогирд сифатида қатнай бошлади.

— Ушанда еттинчи синфда ўқирдим, — дея эслади Севара. — Биласизми, онаминг оддийгина қўл машинасида устозим кўрсатган чизмалар ёрдамида бичиш-тикишни бошлаганман. Ҳозир эса еттита замонавий тикиш машина ва либосларга гул соладиган битта компьютерлаштирилган тикиш машина бор. Албатта, бунга эришиш осон бўлгани йўқ... Устозим Дурдона опадан ўзлаштирилган билим ва тажрибамдан фойдаланиб, дастлаб оиламиздагиларга, сўнгра яқин қўшнилариимиз учун турли кийим-кечаклар тика бошладим. Аста-секинлик билан маҳалламизда-

гилардан буюртмалар ола бошладим. Шу тариқа буюртмалар сони ортиб бораверди. Тушган пулларни тўплай бошладим. Шунда кичкина бўлса-да, тикувчилик цехим бўлишини ўйладим. Республика «Хунарманд» уюшмасининг Жиззах шаҳар бўлими томонидан ўтказиладиган кўргазмаларда ҳам қатнашиб бордим.

Мақсадга эришиш учун ширин хаёлларнинг ўзи етарли эмас. Севара ҳам келажакдаги режаларини орзу-хаёлларда эмас, амалда кўрсатишни ният қилди. 2010 йил Жиззах уй-жой коммунал касб-хунар коллежини тугатиб, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Ўзи ташкил этган мини фирмага «Севара-нур» деб ном берди. Миллий қадрият ва аъналаримиз уйғунлигида яратилган турли хил кўрпа-ёстиқ, кашта, сўзана ҳамда аёллар либосларини кенг оммага намойиш этиш учун «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлди.

Тенгдошимизнинг омадли «юриш»лари айнан шу йилдан бошланди, десак, муболаға бўлмайди. Чунки у 2010 йилда Президентимиз соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашиб, «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши хунарманд» номинациялари ғолибига айланди. 2011 йил «Меҳр нури» жамғармасининг кичик ва ўрта тадбиркорлик ва



фермерлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грант дастурини қўлга киритди. Миллий хунармандчиликнинг амалий санъати билан шуғулланиб келаётган Севарахон пойтахтимизда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро туризм ярмаркасида ҳам ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашиб келяпти. Ўтган йилги ярмаркада ёш чеварнинг миллий аъналаримизни акс эттирган маҳсулотлари Малайзия, Вьетнам, Германия давлатларидан келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотган. Ҳаттоки, улар ҳамкорлик қилиш истагини ҳам билдиришган.

— Хорижлик меҳмонлар кўпроқ қўл меҳнати ёрдамида яратган маҳсулотларимизга қизиқиш билдирмоқда, — таъкидлайди Севара Очилова. — Ўтган йил тадбиркорлик фаолиятим янгиликларга бой бўлди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ёш тадбиркорларни қўллаб-қув-

ватлаш бўйича ўтказиб келаётган «Ёш тадбиркорлар мактаби»нинг республика босқичида ва Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида ғолиб бўлиб, имтиёзли кредит олиш учун махсус сертификат билан тақдирландим. Натижада тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантириш мақсадида «Ипотекабанк»дан олти фоизли 9,4 миллион сўм кредит олдим. Унга учта замонавий тикув машинаси, битта компьютерлаштирилган машина ҳамда замонавий дазмол олдим. Ҳозир олти нафар тенгдошим билан ушбу машиналар ёрдамида кўрпа-ёстиқ, чойшаб, аёлларнинг миллий либослари, дўппи, пальто, сўзана каби саккиз хил маҳсулот ва уларнинг турли ассортиментларини ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз туманларда ҳам ўз харидорига эга.

Севарахон «Устоз-шогирд» мактабини ташкил этиб, ма-

ҳаллардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишсиз хотин-қизларга тикувчилик сирларини бепул ўргатиб, оилавий бизнесни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу кунга қадар юз нафарга яқин ёшларга хунармандчилик сир-асорларини ўргатди. Ҳозир уларнинг йигирма нафари ўз ишларини мустақил равишда бошлашган. Тенгдошимиз «Хунарманд» уюшмаси Жиззах шаҳар бўлими ҳамкорлигида худуддаги касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида амалий тренинглари, мастер-класслари ташкил этиб келмоқда.

Ёш чеварнинг маҳсулотлари вилоятда ўтказилган «Миллий уйинлар ҳамда қадрият, урф-одат, аънава ва ёшлар» фестивалида, «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» ёш тадбиркорлар кўргазмасида, «Буюк юрт фарзандлари» ёшлар фестивалида алоҳида эътироф этилиб, турли номинациялар бўйича тақдирланди. Йил якунида унинг ҳаракатлари «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига муносиб топилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди Севара Очилова. — Мен каби хунармандларнинг даромад солиғидан озод этилиши янада қувонарлидир. Бу эса, ўз навбатида, яхши фойда олишимизга хизмат қилапти. Яхши даромад фаровонлик белгисидир. Фаровонлик обод манзилларда мужассам. Бундай манзилларни эса биз, ёшлар яратамиз.

Халқимизнинг, хунари борнинг хазинаси бор, нақли айнан Севарахон каби меҳнатсевар юртдошларимизга айтилгандай. Чунки тенгдошимиз айнан хунар орқали биз санаб ўтган ютуқлару қанчадан-қанча муваффақиятларга эришиб келяпти.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Prezident stipendiyasi sohiblari

Интилишдан тўхтамайман

Қорақалпоғистонлик тенгдошимиз Исатай Аллаберганов 2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига сазовор бўлди. Унга бўлган қизиқишимиз янада ортди. Бироқ Исатай билан юзма-юз суҳбатлашмай, уни интернет орқали он-лайн мулоқотга тортидик.

Танишинг: Исатай Аллаберганов — 1988 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейда таълим олган. Қорақалпоқ давлат университети магистри. Спортчи, хонанда ва телебошловчи. Ҳозир «Мулкни ишончли бошқариш институти» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Саволлар БЛОГИ:

Зухра Юнусова, талаба:

— **Ҳуқуқ соҳасига қизиқиш сизда қаердан пайдо бўлди?**

— Олтинчи синфда ўқиётганимда мактабимизда ҳуқуқшунослар билан учрашув ташкил қилинганди. Ушанда уларга бир талай саволлар берганим эсимда. Уларнинг ўзини тутиши, билимдонлиги ва қатъияти менда катта таассурот қолдирганди. Қизиқиш ўшанда пайдо бўлганди.

Азиза Нурлепесова, ўқувчи:

— **Исатай, стипендиат бўлганингиз билан табриклайман. Мен ҳам номдор стипендиаларнинг ғолиби бўлишни хоҳлайман. Бунинг учун нима қилишим керак?**

— Ҳаётда нимагадир эришмоқ учун мақсад, ҳаракат ва билим керак. Яхши

орзуларга эришиш қийин эмас. Стипендиат бўлиш учун, аввало, барча фанлардан аъло ўқиш керак. Шунингдек, халқаро ёки республикадаги нашрларда илмий мақолаларингиз чоп этилган бўлиши лозим. Шу кунгача ўн саккизта илмий мақолам эълон қилинди. Жорий йилда «Ўзбекистонда молия ҳуқуқи» ўқув қўлланмам нашрдан чиқди. Билимли инсон ҳаракатдан тўхтамаслиги керак. Негаки, билиб туриб ҳаракат қилмаслик билимсизлик саналади.

Маман Алламбергенов, талаба:

— **Замонавий инсон деганда кимни тушунасиз?**

— Мустақил фикрлайдиган, сиёсий фаол, замонавий технологиялардан хабардор, хорижий тилларни яхши билладиган инсонни.

Дилбар Тўрамуравова, Нукус шаҳридан:

— **Ёшларнинг илмий изланишини қандай баҳолайсиз?**

— Бундан ёшларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир гуруҳи номигагина илм қилиш билан банд. Бошқалари чинакам кашфиётлар қилаётган ёшлардир. Илм кишидан фидойиликни, қилаётган иши учун куйиб-пишишни, ўрганишни талаб этади, дейишади устозларимиз. Илмга чанқоқ тенгдошларимга ҳавас қиламан.

Асия Матенова, ўқувчи:

— **Бошқа қандай ютуқларга эришгансиз?**

— 2006 йили «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловида биринчи ўринни эгалладим. «Ўйла, изла, топ!» танловида жамоамиз билан учинчи ўринни олганмиз. Шунингдек, «Балли, ҳуқуқшунослар!» беллашувида ҳам ғолиб бўлганман.

— **Устозларингиз?..**

— Менга битта ҳарф ўргатган инсонни ҳам ўзимга устоз деб биламан. Шунинг учун устозларим кўп. Айниқса, юридик фанлар доктори, профессор Элизавета Қутибаева, юридик фанлар номзоди Алишер Алламуродовни алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Улардан умрбод қарздорман.

Мавлуда Аҳмедова, талаба:

— **Қизиқишларингиз?**

— Академик эшкак эшиш билан шу-

гулланаман. Қорақалпоғистон телерадиоканалида «Эркин фикр» кўрсатуви-ни олиб бораман. Қўшиқ айтиш ҳам жону дилим.

— **Наҳотки?!**

— Ҳа. Репертуаримда ўн саккизта қўшиқ бор. Асосан, эстрада йўналишида ижод қиламан.

Садоқат, ўқувчи:

— **Келажакда бутун дунё битта қишлоққа айланади, деган тахминлар бор. Бу фикрда қўшиласизми?**

— Бу — глобаллашув. Интернет глобаллашув жараёнини анча кучайтирди. Аммо дунёнинг битта қишлоққа айланишига ишонмайман. Негаки, ҳар битта давлатнинг аънавалари, ўзига хос тараққиёт йўли бор.

Гўзал Жўгинисова, талаба:

— **Оилангиз ҳақида айтиб берсангиз?**

— Ота-онам муҳандис. Акам билан оғам иқтисодчи. Оила аъзоларим мени доимо қўллаб-қувватлашади.

— **Мақсадларингиз?**

— Ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Билимимни, ҳаракатимни жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришга интиламан.

— **Тилакларингиз...**

— Ҳаммининг иш, ўқишларига омад!

Қумар БЕГНИЯЗОВА
тайёрлади

Ватаннинг бир бўлаги

(Лавҳа)

Яқинда тўй баҳона кўшни қишлоқлик отақадрдон Файзи Тошпўлатов билан гурунглашиб қолдик.

— Ёшлигимизда момоларимизнинг оналаримиз ва янгаларимизга, остоналарингни тоза тутинглар, деб насиҳат қилишларини эшитардик. Аслида, ҳеч кимнинг уйининг олди ифлос ё нотоза эканини кўрмасдик. Шундай бўлсада, кампирлар ўғитларини айтиб чарчашмасди. Остонанг пок бўлса, ховлинг ҳам, уйинг ҳам пок бўлади, қизимжоним, дейишарди улар, — деди бобо гурунгнинг пилигини кўтарар экан.

Файзи бобони тинглай туриб, момоларнинг бу ўғитлари ва халқимизнинг Ватан остонадан бошланади деган пурмаъно ҳикматида ажиб муштаракликни кўраман.

Биз яшайдиган қишлоқ ҳам Файзи бобо яшайдиган Иброҳим ота қишлоғи каби шаҳар жойлардан анча узоқда жойлашган. Аммо катта йўлнинг бўйида экани иккала қишлоқнинг цивилизация билан боғлаб туради, десам ҳазилга йўйманг. Чиндан ҳам одамларимиз учун юртимизнинг барча замонавий шаҳарлари «бир қадам».

Болалигимизнинг беғубор қарашларида «шаҳардан узоқда бўлиш» «ёмон гап» эди. Бу — биз қишлоқликмиз, энг яхши шароитлар шаҳарда


бўлади, деган ўзгармас тушунча бўлиб юрагимизда қолган эди. Йиллар давомида шу фикр-қараш билан улғайдик. Энг яхши мактаблар — шаҳарда бўлади, катта одам бўламан, десанг, шаҳарлик бўл, қишлоқда туғилиб машхур бўлиш қийин, қабилада сўз юритишарди катталар ҳам. Аммо шундай замонлар келиши: унда қишлоқларимиз ҳам обод бўлиши, замонавий мактаблар қурилиши, замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланиши, спорт заллари барпо этилиб, унинг ичида спорт тўғараклари йўлга қўйилишини тасаввур ҳам қила олмасдик.

Яқинда университетда бирга ўқиган дўстим қишлоқимиз ҳақида сўраб қолди.

— Қизилқарвон, Қизилқарвон дейсиз. Ўзи қандай қишлоқ, номини айтасиз, ўзи ҳақида гапирмайсиз, — деди у ўзига хос кувноқ оҳангда. — Сизнинг тилингизда қишлоқингизнинг номи худди «Париж, Мадрид, Токио» дейилгандай эшитилади.

Унинг гапи нашъа қилдим, таъриф тавсифдан ўзимни тўхтата олмадим.

— Гапирадиган ҳеч нарса-си йўқ, — «камтарлик» билан



бошлаб қолдим. — Шу, мингдан зиёдроқ киши яшайди ўзи. Хўш-ш, битта мактаби, битта бозори бор.

— Бу ҳамма жойда бор, янгиликлардан гапиринг, — деди дўстим.

— Билмадим, бошқа қишлоқлардан ажралиб турадиган ери йўқ, — тўғриси айтдим. — Мактабимиз янги қурилди, атрофдаги ҳамма қишлоқда янги мактаблар қурилди ёки таъмирланди. Менимча, Ўзбекистоннинг ҳамма қишлоғида шундай...

— Биродарим, қишлоқингизнинг энг яхши томонини айтмадингиз, — деди шунда дўстим кулиб. — Қайсидир газетада ўқиб эдим, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ибодулла Боймуродов ҳамқишлоқингиз экан.

— Эй-й, бу томондан сўранг-да, — ўзига тегишли бирор мақтов эшитса шишадиган боладай семирдим. — Қишлоқимиздан битта халқ ўқитувчиси, учта халқ таълими аълочиси, тўртта фан номзоди, битта профессор, кураш

бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпиони чиққан.

Шуларни гапираяпман-у, бу ҳақда ҳали ҳеч ким мендан сўрамагани, мана, дўстларимдан бирининг саволи баҳонасида гапирётганим, гапирган сайин оғзим қулоғимда эканини ҳис қила бошладим. Кўнглимдан, нахотки, шундай зўр қишлоқдан бўлсам, деган ўй кечди худди буни авваллари билмайдигандек.

Хаёлимдагини уққандек, дўстим ҳам жилмайди.

— Бўлмаса, у ёқларга бизнинг «хизмат сафаримиз» қачон бўлади? — ҳазилкашлик билан деди у.

— Хоҳласангиз — эртага, хоҳласангиз — ёзга, э, йўқ, баҳорга! — ваъда берганимни билмай қолдим. — Лекин баҳорда борсангиз, ўҳ-ху! Омонтёпа, Эшмонтёпа, Ниёзтёпа, Будрачга олиб бораман. Қизғалдоқзорлариниям кўрсатаман!..

Ҳазил-ҳазил билан қишлоқимизга «экспедиция»ни Наврўз арафасига белгиладик.

Одам боласи учун ўзи туғилиб ўсган гўшасидан ҳам азизроқ жой бўлмас экан. Қаранг, ўзи мақтагани ҳам йўқ, шунчаки, сўради қишлоқимиз ҳақида, аммо шугина учун ҳам мен дўстимга қандай раҳмат айтишни билмай, ичимдан суюниб қўя бердим.

Дўстим, сиз мендан қишлоқимиз ҳақида сўрадингиз, энди юртимиз ҳақида сўранг. Элимиздан сўранг. Мен тўлиб-тўлиб гапирай!

Элмурод НИШОНОВ

Ёш фермер учун ҳам тажриба, ҳам имконият

Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ёш мутахассис-кадрларнинг бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланган. Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, Сирдарё вилояти ва Боёвут тумани прокуратуралари ташаббуси билан касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

Туманимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганларни доимий назоратга олиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган бўлажак мутахассислар билан доимий мулоқотда бўлиб тураемиз. Бу ҳамкорлик ёшларнинг бирон-бир касбнинг эгасига айланишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили яхши ташаббусга қўл урилди. Туманимизда фаолият юритаётган мавжуд касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан иборат

ёш мутахассисларнинг фермер хўжаликлари ташкил этишига ёрдам кўрсатилди. Бу саъй-ҳаракатни вилоят ва туман ҳокимлиги, агро-саноат соҳаси мутахассислари ҳар томонлама қувватлади.

Боёвут тумани худудида, чўл шароитида янги ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо ёш, ғайратли йигитлар бунинг уддасидан чиқишди. Натижада, чўл шароитида беш нафар ёш фермер ўз иш фаолиятини бошлади.

Туманимизнинг Деҳқонобод худудида ижти-

мой-иқтисодиёт коллежи битирувчиси Маъруф Маматқулов 27 гектар майдонда, айнан шу коллеж битирувчиси Муҳайё Фуломжонов 32,1 гектар ер майдонида, ахборот технологиялари коллежи битирувчиси Баҳодир Рисқулов 45 гектар ер майдонида, Боёвут агро-саноат коллежи битирувчиси Зебунисо Эшонхоннова 37 гектар ер майдонида ҳамда Навбахор қишлоқ хўжалиги коллежи битирувчиси Дониёр Аҳадқулов 35,5 гектар ер майдонида фермерлик фаолиятини жадал олиб бораётганлиги диққатга сазовор.



Албатта, ҳар бир соҳада ёшлар тажрибали устозлар, кўпни кўрган ҳамкасблари кўмагида етук мутахассисга айландилар. Биз ҳикоя қилаётган худудда ҳам ёш фермерларга ишнинг кўзини биладиган, малакали фермерлар, уста деҳқонлар, кўп йиллик меҳнат стажига эга сувчилар, қолаверса, агро-саноат соҳаси мутахассисларининг бириктириб қўйилганлиги айни муддао бўлди. Туман «Агро-банк»и, «Микрокредит-банк», «Халқ банки» му-

тасаддиларининг бевоҳида ёш фермерларга ўз вақтида бераётган молиявий ёрдами ҳам самарали бўлмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида, туман ёш фермерлари жавлон уриб меҳнат қилишяпти. Ҳозиргача галла экилган майдонларнинг яшилликка бурчаниб, майсаларнинг дуркун ўсаётганлиги кишини қувонтиради. Пахта экиладиган майдонлар эса, аллақачон текисланиб, шудгорлаб қўйилган. Ҳадемай ёш

фермерлар далаларида йил ҳосили кўтарилиб, қилинган меҳнат сарҳисоб қилинади.

Боёвут туманида амалга оширилган ана шундай хайрли ташаббус бутун вилоятда кенг ёйила бошланди. Асосий мақсад эса ёш мутахассисларга эътибор, ёш фермерларга ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир.

Муҳаммаджон БЕКМУРЗАЕВ,
Боёвут тумани
прокурори,
адлия маслаҳатчиси



Мактабда «Алифбе» байрами

Ҳар бир дақиқанинг ўз қиймати бор. Ҳар бир соат, кун, ҳафтанинг ўз баҳоси. Қанчалар азиз, ҳаётимиз учун муҳим бўлмасин, уларни ҳамиша ҳам қадрлаб, юракка муҳрлайвермаймиз. Аммо шундай онлар бўладики, уларни қалбимизга мажбуран сингдиришимиз, хотирамизга абадий муҳрлашимиз шарт эмас, улар ўз-ўзидан умримизнинг гўзал дамлари бўлиб ёдимизга муҳрланади. Улар шундай ёрқин, шундай мустаҳкам жойланадики, йиллар силсиласи уни юраклардан ўчиролмайди.

Саводхонлик гувоҳнома-сини болажонлар кўксига рамзий тарзда қадаб қўядиган «Алифбе» байрами ана шундай ўчмас онларни тўхфа этиши билан қадрлидир.

Ана шундай қутлуғ байрамлардан бири Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида жойлашган 184-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Унда байрам сабабчилари бўлмиш 1-синф ўқувчилари устозлар, ота-оналар, ака-опалари олдида ўзларининг билимларини, зукко ва санъатга ошуфта эканликларини намойиш этишди.

— Дунёда билишдан ҳам кўра завқлироқ нарса бўлмаса керак, — дейди

байрамда фаол иштирок этган 1-«Г» синф ўқувчиларининг биринчи устози, синф раҳбари Наргиза Нуртоева. — Ҳамиша болаларнинг ўзимнинг қўлимда, кўз олдимда саводхон бўлишларини кўриб, улардек қувонаман. Бир ҳарф ўрганса, болалар қанчалик завқланишини кузатганмисиз? Мен неча юз бор бундай бахтли дамларни кузатганман. Бугунги байрамга ўқувчилар билан пухта ҳозирлик кўрдик. Уйлайманки, «Алифбе» байрамидаги фаоллик ва завқу шавқ болаларнинг келгуси ҳаётлари учун бениҳоя катта аҳамиятга эга. Улар шу ор-



қали ўзларида катта ишонч ҳис қилишади.

1-«Г» синф ўқувчиси Диёрбек Қундузов аълочи ўқувчилардан. Уни суҳбатга тортдик.

— Диёрбек, катта бўлсангиз ким бўлмоқчисиз?

— Устоз бўламан.

— Кимга ўхшаган?

— Наргиза устозга ўхшаган. Яна катта олим бўламан. Ким кўп билим олса,

ҳамма уни ҳурмат қилади.

Байрам қувноқ ва завқли лаҳзаларга бой бўлди. Болалардаги шодон кайфият ота-оналару ўқитувчиларга ҳам кўтаринкилик бағишлади.

Шахло Тўраева

СУРАТДА: Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Наргиза Нуртоева ўқувчилари билан.

Тан-жонингиз соғ бўлсин!



«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий патронаж маркази республикамизнинг барча ҳарбий қисмларида тиббий кўрик ишларини амалга ошириб келмоқда.

Жамғарма томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси, Нукус тумани Шимолигарбий ҳарбий округи ҳарбий қисмларида Ватан тинчлиги ва ривожини йўлида хизмат қилаётган 569 нафар ҳарбийнинг оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тиббий кўрик жараёнида касаллиги аниқланган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига жамғарма томонидан дори-дармон ва санитария-гигиена анжомлари ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ўн турдаги буклетлар тарқатилди.

Тиббий кўрик давомида ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом турмуш тарзи», «Қариндош-уруғлар орасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» мавзуида маърузалар ўқилиб, видеороликлар намойиш этилди.

Шерзод Қурбонов

Осойишталик посбонлари мадҳ этилди



Эл-юрт осойишталигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида таҳсил олган офицер кадрларнинг ҳам муносиб хизматлари бор. Мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда, энг аввало, унинг табиий, тарихий бойликларини асраш, аҳоли тураржойлари, давлат ва алоҳида муҳим аҳамиятга эга бино ҳамда иншоотларни турли талофатлардан асрашда оловқалб, фидойи ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ўрни беқиёс. Мазкур мактаб ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлашда ҳар жиҳатдан билимли, ҳарбий салоҳиятга эга етук кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келаётган таълим даргоҳларидан саналади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини Тошкент ёнғин хавфсизлиги олий техник

мактабида ҳам тантанали нишонланди. Мазкур мактабнинг маданият ва маъри-

фат марказида мазкур таълим даргоҳи курсантлари ҳамда Вазирлик академия-

си сержантлар таркибини тайёрлаш мактаби курсантлари учун ҳақиқий тантана ташкил этилди. Байрам тадбирида ҳукуматимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланган юртдошларимиз орасида мактабнинг гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Динора Хошимовага «Шухрат» медали берилганлиги яна бир бор эълон қилинди. Шунингдек, байрам муносабати билан хизмат ва ўқишда фидойилик намуналарини намойиш этган, алоҳида ўрнатқан кўрсатган мактабнинг бир гуруҳ шахсий таркиби ва таҳсил олаётган курсантларига фахрий ёрликлар, эсдалик совғалар топширилди. Алоҳида ўқиш ва ҳарбий машғулотларда катта муваффақиятларга эришган курсантларнинг ота-оналарига миннатдорлик мактублари топширилди. Тантанали тадбир бадий қисмга улашиб, курсантлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар билан янада файзли тус олди.

Нозима ЎКТАМОВА,
ТДШИ талабаси



Самолёт

қанотидаги илон

Австралиянинг «Qantas» авиакомпаниясига тегишли самолётнинг ўнг қанотида уч метрдан ошқроқ, узунликка эга бўлган Амелист питони топилди.

Бахтли тасодифга кўра, самолёт бортидагилардан ҳеч ким жабр кўрмаган. Австралиянинг Керн шаҳридан Папуа-Янги Гвиней пойтахти Порт-Морсбига қараб йўл олган самолёт қанотида жойлашган улкан илон икки соат парвоз қилган. Тўғри, у самолёт ичига киришга уринган, лекин омади келмай, ташқарида қолиб кетган ва совуқдан музлаб ўлган. Аэропорт ходимлари самолёт қўнганидан сўнг бир муддат ўтиб, бечора илонни кўришди. Эслатиб ўтамиз, узунлиги беш метргача бўладиган Амелист питони, одатда, Янги Гвиней, Австралия, Филиппин ҳамда Индонезияда учрайди. Одатда, қушлар ва кичик сут эмизувчилар билан озиқланади.

Ишлаган тишлайди

Япониянинг «Softbank» номли мобиль алоқа операторлик хизмати ўз ходимлари учун янги талаб қўйди.

Яъни компаниянинг 17 минг ишчиси инглиз тилини мукамал билиши лозим. Бунинг учун 10 баллдан 990 баллгача бўлган махсус тест синовлари тузилди ва шу тестлардан муваффақиятли ўтганлар учун мукофот пули жорий этилди. Тестда 900 баллдан ортиқ тўплаганлар учун бир миллион иена (11200 АҚШ доллари), 800 баллдан кўп тўплаганларга эса, 300 минг иена мукофот пули тўланади. Қолган 600 баллдан юқори балл тўплаганлар учун эса компания инглиз тилини ўрганишлари учун кўмаклашади. «Softbank»да бир қанча алоқа оператор компаниялари акцияси мавжуд бўлгани сабабли, инглиз тили компания ички муҳитида катта роль ўйнайди. Шу сабаб эндиликда компания таълим учун жиддий эътибор қаратмоқда.

Ўрнатқан олиб бўлмайди

Италиялик ўн уч яшар бола «Мерседес»да Польшага қараб йўл олди. 800 километр масофани босиб ўтганидан кейин уни немис полицияси тутди.

Маълумотларга қараганда, болакай ўғай онаси билан уришиб қолади ва, натижада, ўз онаси ёнига, яъни Польшага қараб йўл олади. Япония ҳамда автомат узатма кутисига эга бўлган машинада, чўнтагида 200 еврога яқин пул билан бир суткага яқинроқ вақт йўл юрди. Немис йўл-патруль хизмати томонидан итальян полициясига топширилган бола ўз айбини тан олди. Боланинг отаси беэтиборликда айбланди ҳамда жаримага тортилди.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади

Javohir

Алишер Навоий

Жоним чиқадур ҳажр ила — жонон керак эрди,
Кўнглум қуядур дард ила — дармон керак эрди.

Ғам шомида парвона сифатким қуядурмен,
Бошим уза ул шамъи шабистон керак эрди.

Кўз боғида юз гул очадур ишқ ва лекин
Юзу хатидин лолаву райҳон керак эрди.

Хуш келди ҳазин кўнглум аро ғамзаларингким,
Оҳ ўқларига бир неча пайкон керак эрди.

Қабримға хиром эттинг-у, йўқ тухфае, вақким,
Бу хас каби жон ичра бугун жон керак эрди.

Хуш зийнати кўп номадурур умр ва лекин
Тавқибӣ вафодин анга унвон керак эрди.

Билмай сени ул гул қовар, эй зор Навоий,
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди.



Оддий ёғоч ўзининг устаси —
наққош қўлига тушса, нафис
санъат дурдонасига айланади.
Ёш ўймакор уста, наққош Жа-
момлхўжа Азларов ҳам ёғоч билан
тиллашиб, ундан бежирим буюм-
лар ясади.

СУРАТДА: Жамолхўжа Азла-
ров иш устида.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ
фотолавҳаси

Мазкур, ма- на шу	Бир қанча	... Эгам Чархпа- лак б/ф образ)	Илм...	Сарой, арк	Жан. Корея пойтахти	Қасида (русчага)	Араб харфи	... Тош- муҳаммад ўғли Ойбек	Ян ... (миллий қаҳрамон Чехия)	Уқувсиз, саводсиз	Лом... дема	
Уй анжоми				Даали, исбот, негиз				Чирчиқ, дарёси- нинг ўнги ирмоғи				
Тошкент вилда- ги туман				Гана пул бирлиги				Украи- надаги вилоят				
				Франдаги шаҳар				Мирқарим ... (адиб)				
				Суяқ таом				Хивич				
Талон	Нарх, балл	Клей (ўзбекча)	Юздаги бўртма нуқта	Қуёш майбу- ди "Ра"	Куй по- даси, сурув	Исро- илдаги шаҳар	... Абдул- лахон (Хива хони)	Сара- тон ка- саллиги	Салом- ...	Кун, ой, йил	Деда- нинг ўғли	
Хатосиз						"Ёлғон ... сериал						
Темир хотин (Ш.Бош- беков)						Қонсиз ҳашарот						
Қизлар исми						Митти						
			Қуш эрқаги			... бади, айтишма		Кулоғи оғир				
Исм	Ўч	Раққоса- нинг сочи	Тарал- ган соч тутами	Жазоир шимол- даги шаҳар				Савол- ...	Ундай	Жалолов (актёр)	Чарл ... (америка физиги)	
Томон						Тоқнинг акси						
...хусус, хусусан						Пакана буйвол						
Ҳинд аёллари либоси						Вануату пул бирлиги						
Толе, бахт						Қозоқ бахшиси						
						...- мунозара						
Қўлдан ясалган	Ҳиндис- тондаги ҳалқ	Сабоқ	Атир тури	Митти (инг. ча)	Алёр	Қоғирий (ўнги шоир)	Судралиб юрувчи	Қон сўрувчи паразит	Кимёвий элемент	Муносиб мос	Матжон (шоир)	Жанжал, можаро
Олим будма, ... бул (мақол)					Зардоли (мева)				Зирқ			
... Мукержи (актриса)					Болиш тури				Ўсимлик тури			
Лаб, аудоқ					Эргалаб, субҳидам				Товуш, сас			
Япалоқ, ёйиқ					Игна (шевада)				... Лиза (сурат)			

Тузати: Фахриддин Раҳимов

1 savolga 1 javob



Коллеж ўқувчиларининг ўзлари истаган бошқа коллежга ўқишини кўчиришлари мумкинлиги тўғрисида янги тартиб жорий этилибди, деб эшитиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Салоҳиддин, Каттақўрғон шахри

2012 йил 29 декабрда Вазирлар Маҳкамаси «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорини эълон қилди. Ушбу қарорда ўқувчиларнинг ўқишини кўчириш қоидага асосан, ёзги таътил пайтида ҳеч қандай тўловларсиз амалга оширилиши баён этилган. Талабгорларнинг аризалари ким кўриб чиқишига қараб 1 августдан 20 августга тақдим этилиши зарур.

Қарорда ўқувчининг бирор фандан қониқарсиз баҳо олганлиги ёки бўлмаса дипломолди амалиётини ўтамаганлиги, курс ишларини бажармаганлиги ўқишдан четлаштиришга асос бўлмайди, дейилган. Бундай пайтда педагог кенгаш томонидан ўқувчини курсда такрор ўқишга қолдириш масаласи кўриб чиқилади.

Фақатгина ҳарбий академик лицейларда ўқишдан четлаштиришнинг бошқа тартиби қўлланилади. Ушбу чора ўқувчининг академик таълимни ўзлаштирмагани, бир семестрда 76 соат машғулотларни қолдиргани, ички тартибни кўпол равишда бузганлиги натижасида қўлланилиши мумкин.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади

SUDOKU

			1	6		3	9	4			6	4	5	2
			2							2			7	
6						2					6	8		
	1	8			4	9	2					5	6	2
										1				8
3	2	7				6	1				4	1	9	
		5						1					4	2
						2					9			3
7	6	3		1	9						3	5	1	7

YON DAFTARCHANGIZGA

Хатоларингни кўрсатувчи душманинг уларни яширувчи дўстингдан фойдалироқдир.

Леонардо Да Винчи

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Turkiston»), Элмурод Нишоннов
(масъул котиб — «Turkiston»),
Ирина Кочергина (бош муҳаррир
ўринбосари — «Молодёжь
Ўзбекистана»), Елена Калинина
(масъул котиб — «Молодёжь
Ўзбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов
Рустам
Қўчқорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилми: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97.
Реклама бўлими: (371) 233-79-69
e-mail: turkiston@sarkor.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «**Буюк Турон**» кўчаси, 41.

Буюртма Г-143.
Адади — 15225

Босишга топшириш вақти — 21.00
Тошпирилди — 23.00
ЎЗА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6